

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

**ИБРАГИМОВ ДИЁРБЕК ШУХРАТ ЎҒЛИ**

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ  
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА  
УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини  
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Ибрагимов Диёрбек Шухрат ўғли**

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....3

**Ibragimov Diyorbek Shuxrat ugli**

Organization of prosecutorial supervision over the execution of the legislation on juveniles and improvement of its legal basis.....24

**Ибрагимов Диёрбек Шухрат ўғли**

Организация прокурорского надзора за исполнением законодательства о несовершеннолетних и совершенствование её правовых основ.....42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published scientific works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

**ИБРАГИМОВ ДИЁРБЕК ШУХРАТ ЎҒЛИ**

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ  
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА  
УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Үи487 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Пулатов Бахтиёр Халилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Джураев Ихтиёр Бахтиёрович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Рамазонова Наргиза Абдурашидовна**  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**  
**қошидаги Юристлар Малакасини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Бош прокуратура Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үи.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 25 январь 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Бош прокуратура Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 19-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz))

Диссертация автореферати 2023 йил 12 январда тарқатилди.

(2023 йил “12” январдаги 19-рақамли реестр баённомаси).

**Д.М.Миразов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

**Л.Х.Исоқов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар доктори, доцент

**Ф.Х.Рахимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, вояга етмаганлар ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бошқаларга нисбатан ёш, ҳаётий тажриба ва бошқа бир қатор омилларга кўра кўшимча кафолатларга муҳтож шахслар ҳисобланади. Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ҳамда шу каби қатор халқаро ҳужжатларда болаларнинг алоҳида ғамхўрлик ва ҳимояга эга эканлиги белгилаб берилди. Буларнинг барчаси, халқаро майдонда вояга етмаганларнинг нафақат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, балки бу соҳадаги қонунчиликнинг ижроси устидан самарали назорат механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатиб бермоқда.

Жаҳонда бола ҳуқуқларини қай даражада таъминланаётганлиги ҳамда давлатлар бола ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қайтарзда интилаётганлигини ўлчайдиган “KidsRight Indeks” халқаро рейтингида боланинг яшаш, соғлиқ, таълим олиш, ҳимояланиш ҳамда бола ҳуқуқлари учун қулай муҳит яратиш каби мезонлар орқали давлатлар фаолияти баҳоланади ҳамда 2021 йилда ушбу рейтингда Ўзбекистон 182 та давлатлар орасида 89-ўринни эгаллаган<sup>1</sup>. Бу эса вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлашда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида муҳим илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини юзага келтирмоқда.

Республикада вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг миллий ҳуқуқий тизими яратилган бўлиб, ушбу соҳада қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижросини таъминлаш борасида прокуратура органлари томонидан назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Хусусан, прокуратура органлари томонидан амалга оширилган назорат тадбирлари натижасида 2020 йилда 20 252 нафар, 2021 йилда 115 678 нафар, 2022 йилнинг 6 ойида эса 31 086 нафар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тикланган<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича иккинчи Бутунжаҳон конференциясида “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг болалар тарбияси масалалари умумбашарий тараққиётга эришишнинг муҳим омили экани тўғрисида махсус резолюциясини қабул қилиш, ушбу ҳужжатда ота-оналарнинг болалар сифатли таълим ва тарбия олиши, маънавий ва жисмоний баркамоллигини таъминлашдаги ролини, уларнинг қобилият ва салоҳиятларини тўлиқ намоён этиш борасидаги масъулиятини янада ошириш

<sup>1</sup> Электрон манба: <https://www.kidsrights.org/research/kidsrights-index/> (мурожаат вақти: 05.11.2022).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ягона ҳисоботлар портали // Электрон манбаа: <http://report.bp.gov> (мурожаат вақти: 09.08.2022).

каби масалалар ўз ифодасини топиши лозим”<sup>3</sup>, деб билдирган фикрлари ҳам мазкур соҳани илмий тадқиқ этиш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (2001), “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги (2008), “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги (2014) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022), “Бола ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги (2021) Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2021), ““Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги (2014) қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ва ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг “I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар томонидан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, бола ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолатлари Д.И.Бабажанова, Ш.К.Ганибаева, М.Ю.Гасанов, З.Н.Эсанова, Ф.Л.Мируктамова, Н.А.Рамазонова ва Б.А.Умирзаковлар томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдек, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид масалаларнинг айрим жиҳатлари А.Т.Алламуратов, И.Б.Джураев, З.С.Ибрагимов, А.Б.Комилов, О.М.Мадалиев, Б.Х.Пулатов, Ф.Х.Рахимов, М.Х.Рустамбоев, Б.С.Саломов, Т.А.Умаровлар томонидан ўрганилган.

МДҲга аъзо давлатларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳага оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг баъзи ўзига хос жиҳатлари А.С.Арутюнян, С.Л.Алексеев, В.Г.Бессарабов, В.И.Басков, Т.А.Васильева, А.Ю.Винокуров, Ю.Е.Винокуров, Т.Г.Воеводина, А.В.Ермаков, В.Н.Калинин, А.Я.Сухарев, А.С. Якубов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича иккинчи Бутунжаҳон конференцияси очилиш маросимидаги нутқи // Янги Ўзбекистон, 2022 йил 16 ноябрь, №234 (756).

Хорижий олимлар Н.Братина Т.Добрин, М.Журичич, С.Паулин, С.Зупансич, (Словения), Т.Гриссо, М.Левик, Э.Скотт, Л.Steинберг (АҚШ), К.Катерин, Б.Хов (Канада), Х.Херрнфелд (Германия) ва бошқалар томонидан мазкур мавзунинг муайян масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари мавзуси махсус тадқиқ этилмаган, алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” масалалари доирасида амалга оширилган (2021-2022).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси ва мазмун-моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш;

вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади, вазифалари ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш ва унинг мазмун-моҳиятини очиқ бериш;

вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг муҳим йўналишларини таҳлил этган ҳолда, ундаги мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этишга оид илмий-амалий ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга оид хулосаларни ишлаб чиқиш;

вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини режалаштириш ва ташкил этишни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш;

хорижий мамлакатларда прокуратура органлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мазкур соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш орқали илғор ижобий тажрибаларни мамлакатимиз қонунчилигига, прокуратура органлари фаолиятига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

вояга етмаганлар соҳасида ваколатли идораларнинг фаолиятини таҳлил этиш, доимий равишда йўл қўйиб келинаётган қонунбузарликларни аниқлаш

ва уларни бартараф этиш орқали ушбу соҳада прокурор назорати самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

прокуратура органларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг мавжуд ташкилий асосларини ўрганиш орқали ушбу соҳада прокурор назоратини такомиллаштиришда инновацион ёндашувларни жорий этиш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ҳамда уни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда қиёсий-ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, социологик (анкета сўровлари), эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, кузатув, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

ҳаётга, соғлиққа, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш каби жиноятларни содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлик васийлик ва ҳомийликни рад этувчи жиноят турлари сифатида белгиланиши исботланган;

Болалар масалалари бўйича комиссияларда зиммасига юклатилган вазифаларни сифатли ва тўлақонли бажарилишини таъминлаш мақсадида Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияларининг намунавий таркибида масъул котиб вазифасини Болаларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари котибияти бошлиғи, Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг намунавий таркибида эса масъул котиб вазифасини туман ҳокимлигидаги Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи бажариши лозимлиги илмий асосланган;

етим болаларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етим болаларга тураржойлар ажратилиши таъминланмаган ҳолларда туман (шаҳар) прокуратуралари туман (шаҳар) ҳокимликларига қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилиши зарурлиги ушбу соҳани бевосита тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзида белгилаб берилиши лозимлиги асослаб берилган;



васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат олиб бориш, васийликдаги ва ҳомийликдаги вояга етмаган шахсларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бошланғич профессионал таълимга жалб этишни таъминлашга доир қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назоратни ташкил этиш, ижтимоӣ ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоӣ ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи қафолатлари ҳақидаги қонунчилик ижросини назорат қилиш ҳамда меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларида ва Республика ўқув-тарбия муассасаларида вояга етмаганлар ҳуқуқлари амалга оширилиши устидан назоратни ташкил этиш, болаларга нисбатан баданга шикаст етказиш ва болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш сабабларини таҳлил қилиш Бош прокуратуранинг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг асосий вазифалари сифатида, шунингдек Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини (профессионал таълим қисми бўйича) Бошқарманинг назорат объекти сифатида белгилаш лозимлиги илмӣ-амалӣ жиҳатдан асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалӣ натижалари қуйидагилардан иборат:**

вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади ва вазифалари ёритилган ҳамда прокурор назоратининг ҳуқуқӣ асослари тадқиқ этилиб, уни ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар асослантирилган;

вояга етмаганлар соҳасида қонунийликни таъминлаш мақсадида “қонунлар ижроси устидан мониторинг” олиб бориш тизимини Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига киритиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати асосланган ҳамда унинг лойиҳаси ишлаб чиқилган;

вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишга бағишланган “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати” номли услубӣ қўлланма доирасида учта мавзуга муаллифлик қилинган;

вояга етмаганлар соҳасида йўналишлар ва уларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳажмининг юқорилиги сабабли ҳудудӣ прокуратура органларида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимларини ташкил этиш лозимлиги асослантирилган;

вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини соддалаштириш ва такомиллаштириш мақсадида “Қонунчилик ижроси устидан назорат” рақамлаштирилган электрон ахборот тизимини жорий этиш зарурати асосланган ҳамда унинг концепцияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боби якунида келтирилган хулосалар, шунингдек диссертация ишининг хулосасида ўз аксини топган умумназарӣ тўхтамлар

(қоидалар), қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар суд ҳокимияти, прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда адвокатура фанида мавжуд бўлган назарий қарашларга, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилилик нормаларига, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётига, шу билан бирга, ижтимоий сўров натижаларига асосланганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан 2021-2022 йилларда ўтказилган 500 га яқин текшириш ва таҳлил материаллари, уларда қўлланилган 2000 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ҳамда таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6275-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 октябрдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 656-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 228-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, Бош прокуратура Академияси тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети, юридик факультетлар талабалари учун турли ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасалари ҳамда юридик техникумларда “Конституциявий ҳуқуқ”, “Прокурор назорати”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” фанлари, “Бола ҳуқуқлари” ўқув модулларининг маъруза ва семинарларини ўтишда, илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

ҳаётга, соғлиққа, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини

қўллаш каби жиноятларни содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлик васийлик ва ҳомийликни рад этувчи жиноят турлари сифатида белгиланиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни 22-моддаси 6-хатбошисига ўзгартириш ва қўшимча киритишда ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 8 ноябрдаги 30/16-21-95-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши муқаддам қасддан жиноят содир этган шахслар томонидан васийлик ва ҳомийликка тайинланиш тизимини ижтимоий хавфлилигига қараб белгилашга хизмат қилган;

Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияларининг намунавий таркибида масъул котиб вазифасини Болаларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари котибияти бошлиғи, Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг намунавий таркибида эса масъул котиб вазифасини туман ҳокимлигидаги Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи бажариши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6275-сонли Фармони 2-илоvasи 19-банди ҳамда 3-илоvasи 15-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 9 августдаги 30/8-21-1139-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши болалар масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифа ва функцияларини бажариш тартибини белгилашга хизмат қилган;

белгиланган муддатларда етим болага уй-жой ажратилиши таъминланмаган ёки кечикишлар кузатилган тақдирда туман (шаҳар) прокуратуралари туман (шаҳар) ҳокимликларига қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 октябрдаги 656-сонли қарори билан тасдиқланган “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 51-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасини маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши ушбу соҳада ваколатли идора ва мансабдор шахслар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш, шунингдек етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилган;

васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат олиб бориш, васийликдаги ва ҳомийликдаги вояга етмаган шахсларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари, қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилиш, бошланғич профессионал таълимга жалб этишни таъминлашга доир қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назоратни ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи

кафолатлари ҳақидаги қонунчилик ижросини назорат қилиш ҳамда меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларида, Республика ўқув-тарбия муассасаларида вояга етмаганлар ҳуқуқлари амалга оширилиши устидан назоратни ташкил этиш, болаларга нисбатан баданга шикаст етказиш ва болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш сабабларини таҳлил қилиш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини (профессional таълим қисми бўйича) Бош прокуратуранинг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг назорат объекти сифатида белгилаш лозимлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 25 майда қабул қилинган 228-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомнинг 2-бобини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 30/8-21-1140-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши Бош прокуратуранинг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда ҳудудий прокуратура органлари томонидан вояга етмаганлар соҳасида назоратни самарали ташкил этиш ва бу соҳада бажарилиши лозим бўлган вазифаларни тўлақонли белгилаб олишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, шу жумладан 9 та илмий мақола (6 та республика ва 3 та хорижий) ва конференция тўпламларида 8 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида прокурор назоратининг умумий тушунчаси таҳлил этилган ҳолда вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан

прокурор назорати тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти, мақсади, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек мазкур соҳада прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган.

Хусусан, “прокурор назорати” ҳамда “вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати” тушунчалари бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг (А.Комилов, С.Арутюнян, А.Винокуров, Ю.Винокуров, Б.Пулатов, Ф.Рахимов, М.Рустамбаев, Б.Коробейников, ва б.) фикрлари таҳлил этилган ва шу асосда муаллифлик тушунчалари ишлаб чиқилган. Таҳлилларга асосан, “вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси” айрим жиҳатларга кўра алоҳида хусусиятга эга ҳисобланиб, бу ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилиш билан бевосита боғлиқ, деган хулосага келинган.

Муаллиф тадқиқот ишида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предмети хусусида прокурор назорати назариясида ҳамда ҳуқуқшунос олимлар ўртасида аниқ белгиланган илмий ҳамда назарий қарашлар мавжуд эмаслигига эътибор қаратган. Шу боис, ушбу соҳада прокурор назоратининг предмети “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда белгиланган нормалар мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ифодалаш лозимлиги асослаб берилган.

Шунингдек, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмет ва объектини аниқ белгилаш бўйича масалалар ўрганилиб, бу борада айрим ҳуқуқшунос олимларнинг (С.Арутюнян, Ю.Винокуров, Б.Пулатов ва б.) фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида белгилаш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертант томонидан тадқиқот ишида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади, вазифаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари бир қатор ҳуқуқшунос олимлар (А.Ермаков А.Комилов, О.Капинус, Б.Пулатов, А.Паламарчук, Ф.Рахимов, К.Скворцов) томонидан илгари сурилган фикр-мулоҳазалар асосида таҳлил этилган. Таҳлил натижаларига асосан, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади – мазкур соҳада қонунийликни таъминлаш, қонун устуворлиги ҳамда мамлакатда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олишдан иборат эканлиги ҳақида хулосага келинган. Шу билан бирга, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсадига назорат фаолияти олдида турган вазифаларни амалга ошириш орқали эришилиши ҳақидаги илмий-назарий хулоса илгари сурилган.

Шунингдек, тадқиқотчи вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларига, нафақат, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг муҳим ҳуқуқий кафолати бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мазкур соҳани тартибга солишга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлар,

шунингдек ушбу соҳада бевосита прокурор назоратини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари саналадиган Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, Бош прокурор буйруқ ва кўрсатмалари ҳам киритилиши зарурлиги ҳақида ҳулосага келган.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат идоралари ҳамда прокуратура органлари томонидан уларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги илғор тажрибаси ва ўзига хос жиҳатларини миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил этилган ҳолда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик нормаларига “вояга етмаганларнинг махсус ҳуқуқий мақоми принципи”ни жорий этиш зарурлиги асослантириб берилган.

Диссертациянинг **“Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштиришнинг долзарб масалалари”** деб номланган иккинчи бобда прокуратура органларининг вояга етмаганлар соҳасида прокурор назоратини ташкил этиш, унинг асосий йўналишлари таҳлили ҳамда прокурор назорати амалиётида юзага келаётган айрим муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш масалалари тадқиқ этилган.

Мазкур бобда прокуратура органларининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан 2020-2021 йиллардаги назорат амалиёти таҳлил этилиб, уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган айрим муаммолар аниқланган. Хусусан, текширувларни ташкил этишда назорат объектларини тўғри ва тўлиқ танлаб олмаслик, текшириш режаларини етарли даражада сифатли тузилмаслиги, ўз кучини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан назорат тадбирлари ташкил этилиши, шунингдек назорат тадбирлари натижалари бўйича прокурор назорати ҳужжатларини қўллашда амалдаги қонунчилик талабларига риоя этмаслик ҳолатлари мазкур соҳада прокурор назоратини самарали ташкил этишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганлиги асослаб берилган. Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан прокуратура органларининг ушбу соҳада назорат тадбирларини тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида текширишларни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солувчи, ўзида ушбу соҳанинг ҳар бир йўналишини, назорат объекти ҳамда предметини, унда ўрганилиши лозим бўлган масалаларни қамраб олган ягона платформа ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги таклиф илгари сурилган.

Шу билан бирга, муаллиф томонидан тадқиқот иши доирасида олимларнинг (А.Винокуров, А.Комилов, У.Мингбоев ва б.) илмий-назарий қарашлари натижасида прокуратура органларининг ушбу соҳадаги фаолияти самарадорлиги ҳамда таъсирчанлиги бевосита прокурорлар томонидан қўлланадиган прокурор назорати ҳужжатларининг қонуний, асосли ва сифатли эканлигига бевосита боғлиқлиги ҳақидаги фикрга келинган. Шу боис, прокурор назорати ҳужжатларининг сифатли, асосли ва қонуний қўлланлишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни такомиллаштириш мақсадида Бош прокуратура Академиясида прокуратура органлари ҳодимлари учун “прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш” номли ўқув модули ишлаб чиқиш

ва унинг доирасида тизимли равишда ўқув курсларини ташкил этиш зарурлиги ҳақида хулосага келинган.

Бундан ташқари, тадқиқотчининг фикрича, прокурор назоратига оид илмий-амалий ҳамда назарий адабиётларни ўрганиш натижасида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда ишларни тўғри режалаштириш, текширишларни сифатли ва тўлақонли амалга ошириш ҳамда натижадорлигини таъминлаш, назорат объектларида қонунийлик аҳволига тўғри баҳо бериш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни тўғри қўллаш олиш, шунингдек прокуратура органларининг мазкур йўналишда фаолиятни амалга оширувчи ходимлари учун назорат тадбирларини амалга оширишнинг тартиби, усуллари, тактика ва услубиётини ўзида мужассам этган услубий ҳамда амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда прокуратура органларида ушбу соҳада ягона амалиётни шакллантириш мақсадида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, прокуратура органларининг мазкур соҳадаги асосий йўналишлари вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси, васийлик ва ҳомийлик тайинлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат кабилардан иборат эканлиги ҳуқуқшунос олимларнинг (Э.Исламова, Р.Крючков, Э.Малевская, Б.Пулатов, Т.Умаров) ҳамда бу борада ўтказилган ижтимоий сўров респондентларининг фикрларини таҳлил қилиш орқали асослантирилган.

Тадқиқот иши доирасида вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик тайинлаш тўғрисидаги қонунчилик ижросининг аҳволи амалий мисоллар асосида таҳлил этилиб, унга асосан ота-оналар ўз фарзандларини ташлаб узоқ муддатга хорижий мамлакатларга бир қатор сабабларга кўра чиқиб кетаётганлиги, бу эса вояга етмаганларнинг баркамол ривожланиши, таълим олиши кабиларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганлиги аниқланган. Ушбу таҳлилларга асосан, тадқиқотчи томонидан ўз фарзандига васий ёки ҳомий тайинламасдан четга чиқиб кетувчи ота-она ва бошқа шахсларга нисбатан жавобгарлик масалаларини миллий қонунчиликка жорий этиш юзасидан асосланган таклифлар илгари сурилган.

Муаллиф вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни таҳлил этиб, унинг натижасида мазкур соҳа кенг қамровлилиги, ҳудудий прокуратура органларида ушбу йўналишда фаолият кўрсатувчи тезкор ходимлар штатларининг етарли эмаслиги ҳақида хулосага келган. Мазкур йўналишда прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида ҳудудий прокуратура органларидаги мавжуд 9-тармоққа (вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат тармоғи) ҳудудлар кесимида уларнинг иш ҳажмидан келиб чиқиб, қўшимча штат бирликлари берган ҳолда “бўлим” мақомини бериш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди. Чунончи, сўровномада иштирок этган респондентларнинг 43,2 фоизи соҳавий тезкор ходимлар сонининг етарли эмаслиги ушбу соҳада прокурор назоратини амалга

оширишга салбий таъсир кўрсатиши қайд этган бўлса, 81 фоиз респондентлар худудий прокуратура органларида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимларини ташкил этилиши зарурлигини кўрсатган.

Диссертациянинг **“Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш масалалари”** деб номланган учинчи бобида прокуратура органлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси, шунингдек прокурор назорати самарадорлигини оширишда инновацион ёндашувларни жорий этиш, соҳадаги ваколатли идораларнинг идоравий назорат фаолиятини такомиллаштиришга оид масалалар тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида ривожланган давлатлар (АҚШ, Германия, Франция, Япония ва б.) тажрибаси ўрганилган бўлиб, мазкур мамлакатлар прокуратура органларида қонунчилик ижроси устидан назорат функцияси мавжуд эмаслиги қайд этилган. Бу, мазкур давлатларнинг узок йиллик тарихий ва ҳуқуқий тизимга эга эканлиги, фуқароларда қонунларга нисбатан ҳурмат, судларга нисбатан эса ишончнинг юқорилиги билан изоҳланган.

Диссерант томонидан хорижий давлатларнинг (АҚШ, Германия, Белгия, Польша, Швеция, Финландия, Словения, Грузия, Япония, Жанубий Корея, Қозоғистон) илғор тажрибасини таҳлил этиш орқали вояга етмаганларга нисбатан ҳар қандай тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига оид ҳамда назоратсиз ва қаровсиз вояга етмаган шахсларга доир ҳар қандай ахборотни келгусида мобил операторларининг туну-кун юритиладиган “Шошилич қўнғироқ-112” тизими орқали қабул қилувчи ва тегишли зарур тезкор чора-тадбирларни амалга оширувчи тизимни жорий этиш ҳамда бу тизимда прокурор назорати электрон шаклда амалга ошириш лозимлиги асослаб берилди.

Тадқиқотчи томонидан хорижий мамлакатлар тажрибаси (Россия, Қозоғистон, Беларусь) ҳамда 140 нафар прокуратура органлари ҳодимлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари асосида вояга етмаганларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш борасидаги миллий қонунчилик нормаларини ҳамда бу борада прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган. Хусусан, мамлакатимизда вояга етмаганларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилган бўлсада, мазкур йўналишда қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш механизми, уни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар прокуратура органларининг мазкур соҳадаги фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топмаганлиги аниқланган. Шу боис, муаллиф томонидан вояга етмаганларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни прокуратура органларининг алоҳида текшириш йўналиши сифатида жорий этиш ҳамда



прокуратура органларининг “П” шаклдаги ҳисобот жадвалига киритиш зарурлиги ҳақидаги хулосага келинган.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатлар тажрибаси ва прокурор назорати амалиёти таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни белгилаш зарурлиги асослаб берилган. Шу билан бирга, диссертант томонидан вояга етмаганларни уларнинг соғлиғига, маънавий ва ахлоқий ривожланишига зарар етказувчи турли хил ахборотлар, ташвиқотлардан ҳимоя қилиш вояга етмаганлар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига болаларни уларнинг соғлиғига салбий таъсир этувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашни бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгилаш, шунингдек мазкур Қонунни “Боланинг унинг соғлиғига салбий таъсир этувчи ахборотдан ҳимоя қилиниши кафолати” деб номланган 16<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилган.

Тадқиқот ишида вояга етмаганлар соҳасида содир этилаётган қонун бузилиши ҳолатлари прокурор назорати амалиёти асосида ўрганилган бўлиб, мазкур қонун бузилиши ҳолатларининг юз беришига асосий сабаблардан бири сифатида ушбу соҳадаги ваколатли давлат органлари ва идораларида идоравий назорат етарли даражада ташкил этилмаганлиги ҳақидаги хулосага келинган. Мазкур хулоса тадқиқот иши доирасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари (*30 фоизга яқин респондентлар ваколатли вазирлик ва идораларнинг вояга етмаганлар соҳасида қонунийликни таъминлашдаги идоравий назорат фаолиятдан қониқмаслигини билдирган*) асосида тасдиқланган.

Шу билан бирга, вояга етмаганлар соҳасидаги ваколатли вазирлик ва идораларда қонун бузилиши ҳолатларининг содир этилиши сабаблари таҳлил этилиб, унинг асосий сабаблари сифатида, *биринчидан*, қонун бузилиши ҳолатларини олдини олишда прокурор назорати ҳамда идоравий назорат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, *иккинчидан*, мазкур идораларда идоравий назорат тўғри ташкил этилмаганлиги, *учинчидан*, мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларига лозим даражада масъулият билан ёндашмасликлари кабилар кўрсатилган.

Диссертант вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мазкур соҳада қонун бузилишларини олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлашдан кўзланган мақсадга фақатгина прокуратура органларининг саъй-ҳаракатлари билан эришиб бўлмаслиги ҳақида хулосага келган. Бу борада муаллифнинг нуқтаи назари Л.Акимов, Д.Миразов ва бошқа ҳуқуқшунос олимларнинг қарашларига яқин бўлиб, тадқиқот ишида вояга етмаганлар соҳасида бевосита идоравий назоратни амалга оширувчи ваколатли давлат органлари ва идораларнинг назорат фаолиятини

такомиллаштириш орқали прокурор назорати самарадорлигини кучайтиришга эришиш мумкинлиги асослаб берилган. Бунда идоравий назорат орқали ўтказилган барча текшириш ва ўрганишлар натижалари, шу жумладан маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳолатлар юзасидан ўзаро ахборот алмашинув тизими орқали прокурор назоратини амалга ошириш афзалликлари асосланган.

Тадқиқотчининг фикрича, прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган прокурор назорати тадбирларидан кўзланган асосий мақсад қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш орқали оқибат билан курашиш эмас, балки бундай қонун бузилиши ҳолатларининг содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда уларни барвақт олдини олиш ҳисобланади. Шу боис, диссертант ҳуқуқшунос олимларнинг (Ф.Бакаева, А.Саидов ва б.) қонун бузилиш ҳолатларини эрта аниқлаш ва олдини олишда мониторинг муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини “Қонунлар ижроси устидан мониторинг” деб номланган 21<sup>1</sup>-модда билан тўлдиришни таклиф этган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ҳар бир соҳа фаолиятини рақамлаштириш устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётган бир пайтда, прокуратура органларининг фаолиятини, айниқса қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини рақамлаштириш зарурлиги борасида олим ва амалиётчиларнинг (С.Адилходжаева, М.Бобоев, И.Джураев, В.Жак, В.Исаенко, Д.Ремезов, С.Садиков, Ю.Якубина) фикрлари таҳлил этилиб, вояга етмаганлар соҳасида қонунчилик ижросини текшириш рақамлаштирилган электрон платформа орқали масофадан туриб амалга оширилиши лозим, деган хулосага келинган.

Шунингдек, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш, назорат тадбирларини тўғри режалаштириш, соҳада қонунийлик аҳволи яхшилаш мақсадида прокуратура органларида “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш лозимлиги ҳақидаги таклиф илгари сурилган. Ушбу таклиф ўтказилган ижтимоий сўров натижалари билан ҳам тасдиқланган (*70 фоиз респондентлар прокуратура органларининг вояга етмаганлар соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш зарурлиги ҳақида фикр билдирган*). Мазкур тизим прокурорлар томонидан вояга етмаганлар соҳасининг исталган йўналишида эмас, балки, қонун бузилиш ҳолатлари доимий ва тизимли равишда содир этилаётган соҳаларда текширишларни ташкиллаштириш имконини бериши асослаб берилган.

## ХУЛОСА

